

**Manba va foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-sonli *farmoni*.
2. <https://lex.uz/docs/5354947#5363001> – Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining «Ishga marhamat» monomarkazlari to'g'risida NIZOM, 2021-yil 5-aprel.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 31-dekabrda «Malakalarni baholash tizimini tubdan takomillashtirish va mehnat bozorini malakali kadrlar bilan ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-4939-sonli qarori.
4. Milton Friedman. *The Social Responsibility of Business is Increase its Profits. The New York Times Magazine*, 1970.
5. Беляевой И.Ю., Эскандарова М.А. *Корпоративная социальная ответственность. Учебник*. – М.: Кнорус, 2018. – 316 с.
6. Abdurahmonov Q.X., Shoyusupova N.T. *Aholi ish bilan bandligi. O'quv qo'llanma*. – T., 2011. –290 bet.
7. Давлятшаев А.А. & Жамолитдинова М. *Развития интернационализационных процессов образования в условиях расширения глобализационных взаимоотношений. Gospodarka i Innowacje*, 2022, 22, 133-139.
8. Абдурахмонова Г. *Меҳнат иқтисодиёти. Ўқув қўлланма*. – Т.: "Инновацион ривожланиш" нашриёт-матбаа уйи, 2020.
9. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 22-dekabrda «Ishga joylashtirishga muhtoj aholi sonini aniqlash, shu jumladan, uy xo'jaliklarini mehnat bilan bandlik masalalari bo'yicha o'rganishlar o'tkazish, shuningdek, mehnat resurslari, bandlik va aholini ishga joylashtirish balansini shakllantirish metodikasini takomillashtirish to'g'risida» 1011-sonli *qaroriga* 4-ilova.
10. *stat.uz* – O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi rasmiy veb-sayti.
11. <https://yuz.uz/uz/news/monomarkaz--kasbga-tayyorlashning-samarali-yoli>
12. Abdurahmonov Q.X. *Mehnat iqtisodiyoti: nazariya va amaliyot. /Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashri*. – T.: O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi, «FAN» nashriyot davlat korxonasi. – T., 2019. – 592 b.
13. Виктор Ляшок, Татьяна М., Марина Лопатина. *Влияние новых технологий на рынок труда: прошлые уроки и новые Вызовы Экономическая политика*. 2020. Т. 15. № 4. С. 62.
14. *Экономика труда. Учебник. / А.И.Рофе. 2-е. – М.: KNORUS, 2011. С. 159.*



**ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Асқарова Муҳаббат Ибраҳимовна -**  
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва  
муаммолари» илмий тадқиқот маркази  
мустақил изланувчиси

 [doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a32](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a32)

**Аннотация.** Хорижий мамлакатларда ишсизликни бартараф этишда хусусий бандлик агентликлари фаолияти йўлга қўйилган. Мақолада ривожланган ва ривожланаётган хорижий мамлакатларда хусусий бандлик агентликлари фаолияти ўрганилиб, таҳлил қилинган. Бундан ташқари Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликларининг ҳудудий фаолияти ўрганилиб, уларни ривожлантириш учун илмий тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** рекрутмент, меҳнат бозори, кампания, интернет тармоқлари, рақамли технологиялар, бандлик, ишсизлик, меҳнатга лаёқатли аҳоли, бандлик агентликлари, ишга жойлаштириш, реестр, ёшлар меҳнати.

**РЕГИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЧАСТНЫХ АГЕНТСТВ  
ЗАНЯТОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Асқарова Муҳаббат Ибраҳимовна -**  
Научный сотрудник научно-исследовательского центра  
«Научные основы и проблемы развития  
экономики Узбекистана» при Ташкентском  
государственном экономическом университете

**Аннотация.** В зарубежных странах для решение проблемы безработицы созданы частные агентства занятости. В статье рассматривается и анализируется деятельность частных агентств занятости в развитых и развивающихся зарубежных странах. Кроме того, была изучена региональная деятельность частных агентств занятости в Узбекистане и разработаны научные предложения по их развитию.

**Ключевые слова:** рекрутмент, рынок труда, кампания, интернет-сети, цифровые технологии, трудоустройство, безработица, трудоспособное население, агентства занятости, трудоустройство, реестр, работа с молодежью.

**Askarova Mukhabbat Ibrahimovna -**

*Junior researcher of the Research center «Scientific bases and issues of economic development of Uzbekistan» under the Tashkent state university of economics*

**Annotation.** *In foreign countries, private employment agencies have been established to solve the problem of unemployment. The article discusses and analyzes the activities of private employment agencies in developed and developing foreign countries. In addition, the regional activities of private employment agencies in Uzbekistan were studied and scientific proposals for their development were developed.*

**Key words:** *recruitment, labor market, campaign, Internet networks, digital technologies, employment, unemployment, able-bodied population, employment agencies, registry, work with youth.*

**Кириш.** Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини кўпайиши меҳнат бозорининг ривожланишидан далолат беради. Лекин уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ҳудудлар даражасида қониқарли деб эътироф этиш қийин. Шунинг учун ҳудудларда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда хусусий секторлар фаолиятини ривожлантириш зарур.

Кўпгина мамлакатларда ишсизликни бартараф этишнинг янги муаммоларини ҳал қилиш учун давлат бандлик тузилмалари билан бир қаторда хусусий бандлик агентликларига ҳам ишсизларни ишга жойлаштириш ҳуқуқини беради. Лекин шу билан бирга давлат томонидан ушбу ташкилотлар учун бир нечта жуда қаттиқ талабларни ва уларни бузганлик учун турли хил жазо чоралари, жумладан, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга алоқадор бўлган хусусий хизматларнинг фаолиятини тақиқлаш жорий этилган. Шу билан бирга давлатлар ўз фуқароларини меҳнат бозорида сунистеъмом қилишдан ҳимоя қилиш учун хусусий бандлик агентликлари фаолиятини лицензиялайди.

Сўнгги 20 йил ичида жадал ўсиб бораётган ва ҳаракатчан меҳнат бозори учун хизматларга талабнинг ўсиши хусусий бандлик агентликларининг фаолиятини ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонда “.....маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самарали йўлга қўйилсин” вазифалар қўйилган[1].

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлашда меҳнат бозори инфратузилмасидаги барча воситачилардан фойдаланиш зарурати туғилмоқда. Бу борада ҳудудларда хусусий бандлик агентликлари фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, тизимли ёндашув, умумлаштириш, статистик таҳлил, абстракт-таҳлилий усуллар ва бошқалардан фойдаланилди.

- мавзунинг долзарблиги изоҳланган ҳолда, бугунги кундаги хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ривожлантириш муҳимлиги асосланган;

- жаҳоннинг турли мамлакатлари мамлакатларида хусусий бандлик агентликлари фаолияти қиёсий таҳлил қилинди;

- тадқиқотнинг дастлабки босқичидан унинг охиригача қиёсий таҳлил, Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликлари фаолияти ўрганилиб, шунинг натижасида илмий хулосалар қилинди;

- маълумот, кўрсаткичларни таҳлил ва синтез қилишда статистик усуллардан фойдаланилди. Масалан, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хусусий бандлик агентликларини сони, давлат томонидан лицензия берилганлари ва бекор қилинганлар, улар томонидан ишга жойлаштирилганлар сони гуруҳлаштириш асосида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги статистика маълумотлари ўрганиб чиқилган ҳолда таҳлил қилинди. Натижада республикада охиригача йилларда фаолият олиб бораётган хусусий бандлик агентликлари сони жуда камлиги, улар асосий фаолияти хорижий давлатларда ишга ёллаш билан шуғулланишлари аниқланди;

- хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ўрганган олимларнинг илмий-назарий қарашлари, илмий ёндошувлари, берган таърифлари таҳлили ва синтези усулларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда уларнинг фаолиятини ривожлантириш заруратининг муҳим томонлари изоҳлаб ўтилди.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Рекрутинг тушунчаси бир қатор хорижий манбаларда турлича эътироф этилади. Жумладан «Ишга олиш» сўзи французча, «рекутер» сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу сўзма-сўз одамни ишга олиш, пуллик ҳарбий хизматга ёллаш деган маънони анг-

латади. Немис тилида ушбу атама аналогичи - "рекрутиеринг" - ёллаш, ишга олиш. Ушбу сўз инглиз тилида ҳам худди шундай маънога эга[11].

Бугунги кунда хусусий бандлик агентликлари уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, меҳнат бозоридаги ижтимоий институт сифатида рус олимларидан Абзалова Т.Г., Зайцева Л.В., Чукреев А.А., Смирных Л.И., Скоркина В.А., Мельникова Т.Л., Балханов А.М. ва бошқа олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган [6,12,15,14,9]. Масалан россиялик мутахассислар Карташов С.А., Одегов Ю.Г. ва Кокоревлар ҳам муаллифлигидаги тадқиқотлар натижаларида кенг ёритилиб, жумладан, "...жаҳон мамлакатлари тажрибасида асосан кенг тарқалган нодавлат бандлик ташкилотининг шакли рекрут агентликлар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси буюртмачи ташкилотга мутахассисларни буюртма асосида топиш ва энг мақбул номзодни танлаб беришдан иборатдир. Рекрутинг агентликлари кўмагида персонал қидириш ва танлаш жараёнини бир-бири билан ҳам ички, ҳам ташқи томондан чамбарчас боғланган элементлар тизими сифатида баҳолаш лозим. Лекин ушбу тизим давлат иш билан бандлик хизмати тузилмасидаги каби статик характерни ўзида намоеён қилмаслиги, бандликка кўмаклашиш жараёнида эгилувчан усулларни қўллаши билан ўзига хосликка эга" эканлиги таъкидланган[13].

Бундан ташқари, Баскина Т.В. ўз илмий изланишларида нодавлат агентликлар персонални танлаш ва ишга ёллаш асосий қидирув воситалари сифатида ўз маълумотлар базаси, интернет ресурслари, тўғридан-тўғри қидирув, тавсиялар бўйича қидирув, энг яхши талабалар ва битирувчиларни жалб қилиш учун олий таълим масалалари билан ишлаш каби технологиялардан фаол фойдаланиши ва уларнинг афзалликларини очиб берган[10]. Яъни, меҳнат бозорида малакали ва зарур бўлган ходимларни юзлаб номзодлар ичидан танлаб олишнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини ёритишга эришганлар. Амалий рекрутментнинг мазмун-моҳияти ва замонавий шароитларда ундан самарали фойдаланиш вазифалари ва босқичлари К.Ашвапаттанинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган [8]. Р. Эденборуж эса рекрутментнинг глобаллашув шароитидаги усуллари, селекцияси, яъни танлов шартлари ва имкониятларини ўсиб боровчи динамик тизим сифатида тадқиқ этган [16].

Мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини фундаментал тадқиқ этган Академик Қ.Абдурахмонов "Рекрутинг фаолияти – фойда олиш мақсадида иш берувчи (қидирувчи)лар учун мақбул ходим (иш)ни топиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш жараёнларидан иборат

тадбиркорлик фаолиятидир"[5] деб таъриф беради. Бундан ташқари, Қ.Х.Абдурахмонов ходимларни бошқаришда рекрутментнинг айрим вазифасини санаб ўтган. Унинг фикрича, «Бошқарув вазифалари атроф-муҳит омиллари билан бир қаторда персонални бошқаришнинг муайян чегараларини ташкил этади. Персонал билан ҳамкорлик ходимларни излаш ва уларни корхонадаги иш жойларига тақсимлашдан бошланади»[3]. Мазкур масалада А.М.Акбаров, А.Б.Ирматова фикрларини келтириб ўтиш ҳам ўринли деб ҳисоблаймиз. Чунки, уларнинг фикрлари ҳам миллий бозорда рекрутинг хизматларини шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигидан далолат беради: «Республикаимизда бозор муносабатларининг шаклланиб бориши меҳнат бозорининг ташкилий тузилмалари сифатида давлат бандлик хизмати органлари билан бирга турли ихтисослашган ва универсал тижорат иш билан бандлик органлари, меҳнат биржалари, ўқув марказлари, кадрларни тайёрлаш бўйича агентликлар меҳнат бозорида муҳим аҳамият касб эта бошладилар [7].

**Таҳлил натижа муҳокамаси.** Бугунги кунда кўпгина мамлакатларда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда давлат бандлик тузилмалари билан бир қаторда хусусий бандлик агентликлари ҳам ишсизларни ишга жойлаштириш ҳуқуқини олдилар. Ушбу амалиёт 1949 йилда 18 давлат Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) 96-сонли конвенциясини, хусусан, Япония, Италия, Финляндия, Испания, Нидерландия, Чехия ва бошқаларни ратификация қилгандан сўнг қонунчиликда қўллаб-қувватланди. 1997 йилда ушбу халқаро ҳужжат 181-сонли конвенция ва хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги 188-сонли Тавсия билан тўлдирилган [17].

Турли мамлакатларда қайд этилган ХМТ конвенциясини амалга ошириш амалиёти ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, Японияда хусусий агентликларнинг воситачилик фаолияти қатъий тартибга солинади. Меҳнат вазирлигидан лицензия олган хусусий компаниялар вакиллари учун иш ўринлари танланиши мумкин бўлган касблар ва касблар рўйхатида атиги 30 та лавозим мавжуд. Бу санъат, болалар ва касалларга ғамхўрлик қилиш, уй хўжалиги ва бошқалар билан боғлиқ касбларга тааллуқлидир. 1986 йилдан бошлаб хусусий компанияларнинг лизинг фаолиятига рухсат берилди, бу нуфузли бўлмаган касблар ишчиларига ҳам тегишли. Ҳозирги кунда Японияда лизинг компаниялари ҳар йили 380 000 кишини иш жойларига тақсимлайди (мамлакат умумий ишчи кучининг 1 %га яқин). Япон ҳамширалари, энагалари ва уй хизматчиларининг тахминан 50 % хусусий бандлик хизматлари орқали ишлайди [18].

Австралияда эса хусусий бандлик агентликлари аҳолининг меҳнат бозорида энг кам рақобатдош гуруҳлари, 16-17 ёшдаги тажрибага эга бўлмаган ишсизларни ишга жойлаштириш билан шуғулланади [19].

Хусусий бандлик агентлиги - иш қидираётган шахсларга иш танлаш ва ишга жойлашиш бўйича, иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи тижорат ташкилотидир [20]. 2018 йил 16 октябрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, хусусий бандлик агентликлари куйидаги хизмат турларини кўрсатиши мумкин:

• Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш;

- иш берувчилар учун кадрлар танлаш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш;
- ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари. [21]

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 15 сентябрь маълумотларига кўра жами реестрдан рўйхатдан ўтган Хусусий бандлик агентликлари сони 116 та (1-расм). Шундан, лицензия берилган ташкилотлар сони – 8та. Бундан ташқари кўриб чиқиладиган аризалар сони (ишчи органда ва ваколатли органда ҳам), лицензия битими берилган ташкилотлар сони йўқ эканлиги кўрсатилган. Аризаси рад этилган ташкилотлар сони эса – 4та, лицензияси бекор қилинган ташкилотлар сони – 72 та [22].



**1-расм. Хусусий бандлик агентликлари реестридан ўтган ташкилотлар ҳудудий тақсимланиши**

**Манба:** Жадвал Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган (2022 йил 15 сентябрь ҳолатига).

Республика бўйича Хусусий бандлик агентликлари сони 116 та ва бунинг ҳам асосий қисми Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган. Бундан кўриниб турибдики, Хусусий бандлик агентликлари ҳам ўз фаолиятларини шаҳар марказларида ташкил этишга ҳаракат қилишади. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида эса бу фаолият тури ташкил этилмаган.

«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни натижа-

сида 2019 йил ва 2020 йилнинг ўтган даврида 103 та юридик шахс хусусий бандлик агентлиги сифатида реестрдан ўтган. 74 та хусусий бандлик агентлиги фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқини берувчи лицензия олган, улардан 31 тасини лицензияси фаолиятини тўғри бошқара олмаганлиги сабабли ўз ташаббусига кўра (20) ва қонунбузарликларга йўл қўйганликлари учун (11) бекор қилинган [23].

Ўзбекистонда лицензия берилган хусусий бандлик агентликлари

| №  | Хусусий бандлик агентлиги номи                           | Жойлашган ҳудуд | Реестр рақами | Лицензия рақами ва санаси |
|----|--|-----------------|---------------|---------------------------|
| 1. | "Reiwa xususiy bandlik agentligi" МЧЖ                    | Андижон ш.      | 0033          | №0022<br>18.01.2019       |
| 2. | "Mirai recruitment agency Xususiy bandlik agentligi" МЧЖ | Фарғона ш.      | 0043          | №0034<br>11.02.2019       |
| 3. | "Migo overseas consulting xususiy bandlik agentligi" МЧЖ | Наманган ш.     | 0040          | № 0036<br>11.02.2019      |
| 4. | "Turon World Cooperation Xususiy Bandlik Agentligi" МЧЖ  | Тошкент ш.      | 0104          | №0076<br>25.11.2020       |
| 5. | "Priority International Xususiy Bandlik Agentligi" МЧЖ   | Тошкент ш.      | 0105          | №0077<br>12.02.2021       |
| 6. | "Specialist Group Xususiy Bandlik Agentligi" МЧЖ         | Тошкент ш.      | 0106          | №0078<br>07.04.2021       |
| 7. | "Naimix Xususiy Bandlik Agentligi" МЧЖ                   | Тошкент ш.      | 0108          | №0079<br>27.01.2022       |
| 8. | "Etos Xususiy Bandlik Agentligi" МЧЖ                     | Тошкент ш.      | 0114          | №0080<br>15.03.2022       |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, лицензия берилган хусусий агентликларнинг асосий қисми ҳам Тошкент шаҳрида жойлашган. Ўзбекистонда 2019 йилдан буён фаолият юритиб келаётган хусусий бандлик агентликлари сони 3 та. 2022 йилга келганда эса уларнинг сони атиги 8 тани ташкил қилмоқда. Агар ҳудудлар миқсолида солиштирганимизда эса Тошкент шаҳри ва яна 3 та вилоят маркази: Андижон шаҳри, Фарғона шаҳри ва Наманган шаҳарларида фаолияти йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин. Ваҳоланки Ўзбекистон Республикасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва

12 та вилоятдан иборат. Водий вилоятларида биттадан фаолият олиб бораётган агентлик фаолиятини ҳам асосий хизмат вазифаси сифатида ишсизларни хорижий далаатларга ишга жойлаштиришдан иборат.

Қонун қабул қилингандан бошлаб бугунги кунга қадар хусусий бандлик агентликлари томонидан 3 198 нафар фуқаролар хорижий давлатларга ишга юборилган. Асосан, Россия (1604), Туркия (557), Литва (469), Латвия (129), Польша (127), БАА (89) каби 22 та чет эл давлатларига республикамизнинг барча ҳудудларидан меҳнат қилиш учун жўнатилган.

Хусусий бандлик агентликлари фаолияти бўйича маълумот, киши

| Ҳудудлар                | Мурожат этганлар, киши | Ишга жойлаштирилганлар, киши. | Хорижий давлатларга | Маҳаллий ҳудудларга | Маслаҳат олганлар |
|-------------------------|------------------------|-------------------------------|---------------------|---------------------|-------------------|
| Ўзбекистон Республикаси | 19156                  | 427                           | 359                 | 68                  | 18729             |
| Қорақалпоғистон Р.      | 12                     |                               |                     |                     | 12                |
| Андижон                 | 2450                   | 52                            | 52                  |                     | 2398              |
| Бухоро                  | 1532                   | 68                            | 68                  |                     | 1464              |
| Жиззах                  | 346                    | 14                            | 14                  |                     | 332               |
| Қашқадарё               | 1289                   | 11                            | 11                  |                     | 1278              |
| Навоий                  | 197                    | 7                             | 7                   |                     | 190               |
| Наманган                | 2132                   | 25                            | 25                  |                     | 2107              |
| Самарқанд               | 2093                   | 16                            | 16                  |                     | 2077              |
| Сирдарё                 | 125                    | 9                             | 9                   |                     | 116               |
| Сурхондарё              | 824                    | 7                             | 7                   |                     | 817               |
| Тошкент                 | 618                    | 31                            | 31                  |                     | 587               |
| Фарғона                 | 6075                   | 142                           | 86                  | 56                  | 5933              |
| Хоразм                  | 842                    | 6                             | 6                   |                     | 836               |
| Тошкент ш.              | 621                    | 39                            | 27                  | 12                  | 573               |

**Манба:** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Юқоридаги жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, хусусий бандлик агентликлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар қониқарли

эмас, ёки уларнинг фаолияти аҳоли ўртасида тарғиб этилмаган.

**Хулоса ва таклифлар.** Демак, хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, олиб борган тадқиқотларимиз натижасида, Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликлари ҳудудий фаолиятини қониқарли даражада эмаслигини, уларни фаолиятини ривожлантириш, бу борада кадрлар масаласига алоҳида эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари фаолият олиб бораётган бандлик агентликларини ҳам аксарият қисми асосий фаолият тури сифатида хорижий давлатларда ишлаш истагини билдираган шахсларни ишга жойлаштиришдир. Фикримизча рекрумент агентликлари фаолиятини ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда, уларнинг мақбул томонларини Ўзбекистонда қўллаш зарур. Бунда хусусий бандлик агентликлари хизматлари бозоридаги кўрсатилган хизматлар ҳажмини диверсификациялаш, меҳнат бозорида иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ ходимларни танлаш, саралаш ва ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш ҳамда ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматларини кенгайтириш, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш имконини беради.

Ўзбекистон миллий меҳнат бозорида ва минтақаларда хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ривожлантириш учун :

- аҳолиси зич жойлашган ҳудудларда иш билан таъминлашга кўмаклашувчи хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ташкил

этиш ва самарали фаолият кўрсатиши назоратга олиш;

- Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш;

- рақамлаштириш шароитида ходимларни излаш, танлаш ва ишга жойлаштириш ҳамда иш берувчилар учун мувофиқ ходимларни аниқлашга қаратилган замонавий усуллардан фойдаланиш;

- хусусий бандлик агентликлари ҳудудларда меҳнат бозорини ўрганган ҳолда талаб ва таклифни шакллантириш;

- хусусий бандлик агентликлари томонидан ҳудудларда етишмаётган кадрлар ва ортиқча меҳнат ресурсларини аниқлаш;

- кадрлар масаласи бўйича олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаш тартибинини жорий этиш;

- халқаро стандартлар ва миллий меҳнат бозорининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда минтақаларда ишга жойлашишга муҳтож ишсизларни ҳисобини аниқлаш методикасини такомиллаштириш;

- республика ва унинг ҳудудларида яратилган иш ўринларини аниқлаш ва касбга муҳтожлик статистикасини шакллантириш;

- иш излаётган фуқароларга ва ходимга муҳтож иқтисодиёт тармоқлари соҳалари ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаган ҳолда фаолият олиб бориш тизими такомиллаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-фармони. 20.01.2022. <https://lex.uz/docs/5841063>.
2. Abdurahmonov Q. "Mehnat iqtisodiyoti". O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashriyoti davlat korxonasi. – Toshkent, 2019.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: Mehnat, 2009.
4. Абдураҳмонов Қ.Х., Н.К.Зокирова, Меҳнат бозори назариясига янгича ёндашувлар. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. № 1. – Т., 2011 йил.
5. Абдураҳмонов Қ.Х., Ғойиназаров С. Рекрутмент. – Т.: "Фан" нашрети 2021 й. -15 бет.
6. Абзалова Т.Г. Социальная эффективность деятельности частных агентств занятости: институциональный аспект. Автореферат. –Т., 2007.
7. Акбаров А.М, Ирматова А. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2013.
8. Ashwathappa K. Human Resource and Personnel Management, Tata McGraw-Hill. 131-176,
9. Балханов А. М. Совершенствование деятельности кадровых агентств на региональном рынке труда. Дисс. на соиск. уч. ст. канд. экон. наук. – Иркутск, 2001.
10. Баскина Т.В. Техники успешного рекрутмента. 2 –с изд., перераб. и доп.: Альпина Паблишер. – Москва, 2014. – С.10.
11. Гак В.Г. Янги француз-русча луғати / К.А.Ганшин. - 9-чи эд., Рев.-М.: рус тили - Медиа, 2004. - 1195 б.
12. Зайцева Л.В., Чукарев А.А. Частные агентства занятости и заемный труд в России: сравнительно-правовое исследование. // Вестник Пермского университета. Юридические науки. 2017. № 1. С. 84 - 94.
13. Карташов С., Одегов Ю., Кокорев И. Рекрутинг. Найм персонала. – М.: Экзамен, 2003.
14. Мельникова Т. Л. Кадровые и рекрутинговые агентства. Типология и анализ работы. [Электронный ресурс].
15. Смирных Л.И., Скоркина В.А. Агентская занятость: факторы спроса со стороны предприятий: Препринт W15/2009/08. — М.: Изд. дом Государственного университета — Высшей школы экономики, 2009. — 44с.
16. Robert Edenborough. Assessment methods in recruitment, selection & performance. London and Sterling, VA.
17. <https://hrliqa.com/index.php?module=profession&op=view&id=525>
18. <https://www.conventions.ru/convention/id/?id=356>
19. <https://www.justlanded.com/english/Australia/Australia-Guide/Jobs/Employment-Agencies>
20. <https://advice.uz/uz/document/2203>
21. <https://labormigration.uz/statics/show/3>
22. <https://mehnat.uz/uz/services/xususiy-bandlik-agentliklari-reestri>
23. <https://uza.uz/uz/posts/kxususiy-bandlik-agentliklari-kerak-11-07-2020>